

ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНАЛАРДА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАРИ

Қурбонова Малика Ахмад қизи

Қарши давлат университети докторанти

malikaqurbonova@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8385930>

Калит сўзлар: Кўп вариантли сценарийлар, комплекс сонли эмпирик моделлар, модел, эконометрия, аҳоли турмуш даражаси, камбағалликни баҳолаш, инсонларнинг маълумотлилик даражаси индекси, истеъмолни қондириш коэффициентини, иқтисодий индекслар усули, математик моделлар.

Аннотация: Ушбу мақолада туризм ва меҳмонхоналарда аҳолига яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларини кўрсатиш сифатини оширишнинг истеъмол талабларини меъёрий баҳолаш назарий ва амалий асослари тадқиқ қилинган.

Тармоқлараро ривожланиш салоҳияти кўрсаткичининг аниқланиш манбаси турли мураккабликка эга ва бирор бир манбада унинг аниқ тузилиши келтирилмайди. Бунинг мантиқий сабаби, тузилмани ташкил этиш компоненталари жуда ҳам кўп ва уларни оптимал танлаш имконияти мавжуд эмас, яъни компонентлар бўйича нисбий устунлик тушунчаси аҳамиятга эга эмас. БМТнинг саноатни ривожлантириш ташкилоти эксперт-тадқиқотчиси С.Парк ва Канада МкМастер университети профессори С.Кеннеч[27] ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги тармоқлараро муносабатларни ривожланиш омили сифатида ўрганишлари натижасида, барча тармоқларнинг ривожлантириш моделлари учун кириш манбаси бўла олишини илмий асослаб беради. Уларнинг фикрича, агар бирор иқтисодиёт тармоғининг, маълум бир йўналишдаги ёндош тармоқлар бўйича ривожланиш даражаси аҳамиятсиз ҳолатга келиб қолса, у ўзининг ривожланиш салоҳиятини йўқотади.

Тармоқлараро ривожланиш салоҳияти кўрсаткичи таркибан икки қарама-қарши жиҳатга кўра хусусиятланган индекслари иштирокидаги кўпайтма билан аниқланади. Биринчи жиҳат – бу тармоқлараро ривожланиш кўрсаткичининг ўсиш тенденциясига тескари тенденцияси билан, иккинчи жиҳат – тўғри тенденцияси билан ижобий таъсир этувчи компонентларнинг мавжудлигидир.

Биринчи жиҳатга кўра нисбийлик даражаларининг минималлаштириш хусусиятига кўра аҳамиятли бўлган тармоқлараро ривожланиш салоҳияти кўрсаткичининг минимумлик индекси (RSK_t^{min}) ҳисобланса, иккинчи жиҳатга кўра нисбийлик даражаларининг максималлаштириш хусусиятига кўра аҳамиятли бўлган тармоқлараро ривожланиш салоҳияти кўрсаткичининг максимумлик индекси (RSK_t^{max}) ҳисобланади. У ҳолда аниқланиши бўйича қуйидаги тенглик ўринли:

$$RSK_t = ((1 - RSK_t^{min}) * RSK_t^{max})^{\frac{1}{2}} * 100\% \quad (1.1)$$

Бу ерда ҳисоблаш t -давр (жорий йил ёки олдинги йиллар)да амалга оширилади. Шунингдек, RSK_t^{min} ва RSK_t^{max} индекслар (k, n, s) параметрларга боғлиқ бўлиб, параметрик ифодасини қуйидагича қабул қиламиз:

$$RSK_t^{min} = MIN(k_1, n, s); \quad RSK_t^{max} = MAX(k_2, n, s) \quad (1.2)$$

Бу ерда: k_1, k_2 – мос равишда тескари ва тўғри тенденцияси талаб этилган компонентлар сони; n – қаралаётган жами тармоқлар сони; s – танланган тармоқ тартиби.

Табиий ҳолда айтиш мумкинки, RSK_t^{min} нинг қиймати танланган тармоқнинг муаяян компоненти миқдорининг жами тармоқлардаги шу компонент қийматлари йиғиндисининг нисбати бўйича ҳисобланган нисбатлар йиғиндисига тенг, ҳамда айти қоида RSK_t^{max} га ҳам тегишли бўлади. Натижада қуйидаги тенгликларга эга бўламиз:

$$RSK_t^{min} = \sum_{j=1}^{k_1} \frac{A_s^j}{\sum_{i=1}^n A_i^j}; \quad RSK_t^{max} = \sum_{j=1}^{k_2} \frac{B_s^j}{\sum_{i=1}^n B_i^j}, \quad s \in \{\overline{1, n}; n \in N\} \quad (1.3)$$

Бу ерда U_s^j ($U = A, B$) – минтақада танланган s -тармоқдаги j -компонент миқдори; U_i^j ($i \neq s$) – минтақанинг қаралаётган бошқа турдаги барча тармоқларидаги j -компонент миқдори.

Тармоқлараро ривожланиш салоҳияти кўрсаткичининг таркибий индекслари $[0; 1]$ кесмада ўзгаришини кўриш қийин эмас. Шундай бўлсада, уларнинг моҳиятига кўра, вазиятнинг ижобийлиги ушбу муносабатларда кузатилади, яъни $RSK_t^{min} \rightarrow 0$; $RSK_t^{max} \rightarrow 1$.

Бу муносабатларга мос ҳолда индекслар учун чегаравий қийматларни, яни критик қийматни аниқлаймиз. Бу қиймат тармоқлараро ривожланиш салоҳияти кўрсаткичининг ижобий ҳолатдан салбий ҳолатга, ёки аксинча ўзгариш нуқтасини ифодалайди. У танланган компонентлар ҳамда қаралаётган тармоқлар сонига боғлиқ ҳолда ҳисобланади, яъни қуйидаги муносабатлар ўринли:

$$n * RSK_t^{min} < k_1, k_1 < n; \quad n * RSK_t^{max} > k_2, k_2 < n; \quad (1.4)$$

Тармоқлараро ривожланиш салоҳияти кўрсаткичини ҳисоблаш жараёнининг яна бир ижобий томони, унинг қийматланишида қайси компонент (омил) нисбий кўрсаткичи салбий ёки ижобий таъсир кўрсатиб турганлигини осон кўриш ҳамда таъсир даражасини баҳолаш мумкин. Бу ерда эътиборли жиҳат, компонентлар ўзаро зич корреляцион боғлиқлик ташкил этиш ҳолатлари кузатилганда, бу компонентларнинг нисбийлик кўрсаткичларини одатда бир модел таркибига киритиш имкони борлигидир.

Минтақа аҳолисининг яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларига бўлган эҳтиёжи, уларнинг турмуш сифати билан бевосита боғлиқ. Аҳолининг талаби озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи асосида шаклланади. Агар аҳоли истеъмол даражаси истеъмол меъёрларига мос равишда бўлса, озиқ-овқатга бўлган мойиллик кўрсаткичи табиий турғунлик ҳолатида бўлиши мумкин. Тафовут кузатилса, мойиллик кўрсаткичининг ўзгаришини баҳолаш жуда муҳим бўлиб қолади. Ўз навбатида, истеъмолга мойиллик кўрсаткичининг ўртача ва чекланган (MPC) турлари фарқланади.

Мазкур муҳимликдан келиб чиқиб, тадқиқотимизда истеъмол функциялари назариясини[28] ўрганишларимиз асосида, Кейнс истеъмол функцияси типидagi минтақа аҳолисининг озиқ-овқат истеъмол функциясини кўп сценарийли тузишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Чунки, истеъмол функциясининг чизиқли эканлиги даъво қилинмайди.

Бу ерда натижавий катталиқ - эндоген аҳоли жон бошига озиқ-овқат истеъмол ҳаражатлари (Hr) нинг ва эркли ўзгарувчи – экзоген аҳоли жон бошига ўртача даромад

миқдори (Dr) га боғлиқ чизиқли, параболик, логарифмик, ярим логарифмик, кўрсаткичли, даражали, логистик кўринишдаги моделларини кўриб чиқиш мумкин.

Бугунги кунда, хизматлар бозорининг мувозанат нуқтасини аниқлаш, хизмат кўрсатиш субъектлари ва истеъмолчилар манфаатлари троекториясининг ўта ўзгарувчанлик хусусиятига кўра янада мураккаблашиб бормоқда. Бу жараён хизматлар тармоғини ривожлантириш масалаларида тўлиқ ўрганиладиган, баҳо бериладиган, келгусида тадбиқ этилиши мақсад қилинган барча таклифларнинг илмий асосланишида ҳисобга олинладиган реал воқеяликдир. Тадқиқотимиз натижалари ҳам бундан мустосна эмас. Шу сабабли биз аҳолига яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларини ривожлантиришнинг оптималлик ўлчовларини талаб ва таклиф хусусиятларини ўзлаштирган эконометрик моделларни ишлаб чиқиш асосида ҳисоблашга зарурият сездик.

Талаб ва таклиф хусусиятидаги ўзаро муносабатлар математик анализ назариясининг ўзаро тескари монотонлик шартларини қаноатлантирувчи функцияларини аниқлаш усулларига бориб тақалади. Унга кўра, маълум бир $X = [x_1; x_2]$ сонли интервалда мусбат аниқланган ҳақиқий ўзгарувчи $y_1 = g_1(x)$ ва $y_2 = g_2(x)$ функциялар жуфтлиги қуйидаги шартларни қаноатлантирсин:

I. ихтиёрий $x, x \in X$ учун $\frac{dg_1}{dx} > 0; \frac{dg_2}{dx} < 0$ муносабат ўринли;

II. X тўпلامда шундай x_0 элемент мавжуд бўлиб, $g_1(x_0) = g_2(x_0)$ тенглик бажарилади.

III. X тўпلامда аниқланган шундай $y = y(g_1, g_2)$ функция топиладики, бу функция x_0 нуқтада ўзининг экстремум қийматига эришади.

Бизнингча бу функциянинг энг содда кўриниши қуйидагича аниқланади, яъни

$$y = g_1(x) * g_2(x) \quad (1.5)$$

Бу ерда, $g_1(x)$ – кўрсаткичли, $g_2(x)$ – даражали функциялар. Ҳақиқатан, функция экстремумини текшириш шартига кўра (1.5) функциянинг 1-тартибли ҳосиласини нолга тенглаб, тенгламанинг илдизи экстремум сифатида олинади. У ҳолда

$$y' = g_1'(x) * g_2(x) + g_1(x) * g_2'(x) = 0 \quad \text{ёки} \quad \int \frac{g_1'}{g_1} dx = - \int \frac{g_2'}{g_2} dx \quad (1.6)$$

Дифференциал тенгламанинг илдизи эса $g_1 = g_2^{-1}$ муносабатни келтириб чиқаради. Бу функцияларнинг кўрсаткичли ва даражали аниқланиши II шартнинг бажарилишига имкон беради. Натижада (1.5) ни қуйидагича ёзишимиз мумкин:

$$y = e^{\varphi * f(x)} * f(x)^{\omega}, \quad \varphi * \omega < 0 \quad (1.7)$$

Хусусий ҳолда, $f(x) = x$ бўлганда, (1.7) нинг

$$y = e^{\varphi * x} * x^{\omega}, \quad \varphi * \omega < 0 \quad (1.8)$$

кўринишига эга бўламиз.

Кинетик ишлаб чиқариш функциялари назариясида (1.8) кўринишдаги эконометрик моделнинг (φ, ω) параметрлар жуфтлиги x ўзгарувчи (ресурс) нинг оптимал тақсимотини аниқлайди [29].

Яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларини ривожлантиришнинг юқорида тўртта асосий турини келтириб ўтган эдик. Уларнинг бири тармоқни ҳудудий потенциал асосида ривожлантиришдир. Бу ривожланиш тури барча ривожланиш турларининг унга бевосита ва билвосита боғлиқлиги билан жуда аҳамиятлидир. Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги услубий ёндошувни ўринли деб ҳисоблаймиз.

- 1) худудий салоҳият кўрсаткичларини, худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини белгилаб берувчи макроиқтисодий кўрсаткичлари даражасида танлаш – бу яшаш жой ва умумий овқатланиш тармоғининг ривожланиш позицияси жойлашувининг қузғалмаслигини ҳамда кенглигини таъминлаб беради;
 - 2) танлов кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион зичликни баҳолаш – бу уларнинг тармоқнинг асосий индикатори билан умумий боғлиқлик ифодасини тўғри шакллантириш имкониятини беради;
 - 3) худудий салоҳият кўрсаткичларининг яшаш жой ва умумий овқатланиш тармоғининг асосий индикатори билан боғлиқ баҳолашнинг чизиқли эконометрик моделларини куриш – бу салоҳият кўрсаткичларининг тармоқнинг асосий индикаторига таъсирини баҳолаш имкониятини яратади;
 - 4) худудий салоҳият кўрсаткичларининг ўрта муддатли прогноз қийматларини аниқлаш – бу уларнинг ўрта муддатли ўртача иқтисодий ўсиш суръатларини аниқлаб беради;
 - 5) салоҳият кўрсаткичлари бўйича ҳисобланган эластиклик коэффицентлари ҳамда прогноз қилинган ўртача ўсиш суръатларидан фойдаланган ҳолда яшаш жой ва умумий овқатланиш тармоғининг истиқболда худудий потенциал асосида ривожланиш кўрсаткичларини аниқлаш.
- Ушбу услубий ёндошув натижалари, худуднинг мавжуд ижтимоий-иқтисодий салоҳиятига асосланиб, табиий таъминланган ривожланишнинг ўртача, шартли ҳолатда эса минимал чегарасини аниқлашга, ривожлантиришнинг турли устувор йўналишларини белгилашга, тармоқни ривожлантиришнинг истиқболда мақсадли кўрсаткичларини баҳолашга имкон беради.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони 1-илоvasи. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон // <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик – 2030” иккинчи халқаро саммити ишида сўзлаган нутқи, 2021 йил, 30-31 май., <https://oz.sputniknewsuz.com/20210530/mirziyoev-seuldagi-sammitda-ishtirok-etdi-asosiy-fikrlar-18989066.html>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони 1-илоvasи. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон // <https://lex.uz/docs/5841063>
4. “Ўзбекистон Республикаси худудда меҳмонхона хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 26 мартдаги 03-мх-сон Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.05.2019 й., 10/19/3160/3153-сон
5. UNWTO World Tourism Barometer and Statistical Annex, January 2021. <https://www.e>

unwto.org/doi/abs/10.18111/wtobarometereng.2021.19.1.1

6. М.Т. Алиева. Меҳмонхона менеждменти. Дарслик. – Т.: 2007. -335 б.
7. Теплова Л.Е. Основы потребительской кооперации. Учебное пособие. 2-е изд. Вита-Пресс, 2005 - 160 с
8. R. Greer et al. The diffusion of circular services: Transforming the Dutch catering sector / *Journal of Cleaner Production* 267 (2020) 121906 / Электрон манба: <https://www.sciencedirect.com/search?q=catering%20services%20in%20developing%20countries>
9. Gao, L.L. and Bai, X.S. (2014) A Unified Perspective on the Factors Influencing Consumer Acceptance of Internet of Things Technology. *Asia Pacific Journal of Marketing and Logistics*, 26, 211-231. //
10. Электрон манба: <http://dx.doi.org/10.1108/APJML-06-2013-0061> манба: <https://core.ac.uk/download/53093037.pdf>
11. Qodirov, Farrux. "Econometric modeling of medical services in the territories." *International Conference on Information Science and Communications Technologies ICISCT*. 2022.
12. Qodirov Farrux Ergash o'g'li. Econometric modeling of the development of medical services to the population of the region / *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*. 2022/5/9. 1.1 Economical sciences.
13. Ergash o'g'li, Qodirov Farrux. "Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасининг келгуси ҳолатини башоратлаш." *Сервис" илмий-амалий журнал* (2022): 56-59.
14. Ergash o'g'li, Qodirov Farrux. "ECONOMETRIC MODELING OF THE DEVELOPMENT OF MEDICAL SERVICES TO THE POPULATION OF THE REGION." *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities* 2.1.1 Economical sciences (2022).
15. Ergash o'g'li, Qodirov Farrux. "CREATION OF ELECTRONIC MEDICAL BASE WITH THE HELP OF SOFTWARE PACKAGES FOR MEDICAL SERVICES IN THE REGIONS." *Conferencea* (2022): 128-130.
16. Ergash o'g'li, Qodirov Farrux. "IMPORTANCE OF KASH-HEALTH WEB PORTAL IN THE DEVELOPMENT OF MEDICAL SERVICES IN THE REGIONS." *Conferencea* (2022): 80-83.
17. Қодиров, Ф. "ИЖТИМОЙ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХИЗМАТЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ". ЎЗР ФА В.И.Романовский номидаги Математика институти, 2022.
18. Қодиров, Ф. "ВИЛОЯТ АҲОЛИСИГА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ". Andijon Mashinasozlik Instituti, 2022.
19. Қодиров, Ф. "АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ КЕЛГУСИ ҲОЛАТИНИ БАШОРАТЛАШ". Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2022.
20. Qodirov, F. "OPTIMUM SOLUTIONS FOR THE DEVELOPMENT OF MEDICAL SERVICES IN PRIVATE CLINICS". МУHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDAGI TOSHKENT AXBOROT TECHNOLOGIYALARI UNIVERSITETI QARSHI FILIALI, 2022.
21. Қодиров, Ф. "Қашқадарё вилояти аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш

тармоқларини ривожлантиришнинг истиқболлари». «O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI» àà «AGRO ILM», 2022.

22. Қодиров, Ф. “ЎУДУДУЛАРДА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ”. ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ, 2022.

23. Qodirov, F. “Қашқадарё худуди аҳолисига хизмат кўрсатиш тармоқлари ва уларга таъсир этувчи омиллар”. “O'zbekiston Qishloq Va Suv xo'jaligi” Jurnal, 2022.

24. ҚОДИРОВ, Ф. “Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг моделлаштиришни тизимли имитация қилиш”. ИЎТИСОДИЙ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОЙЛИК НАШР, 2022.

25. Qodirov, F. “QR-KOD TEXNOLOGIYASI ASOSIDA ELEKTRON KUTUBXONA TIZIMINI DASTURIY VA APPARAT TAMINOTINI YARATISH”. MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDAGI TOSHKENT AXBOROT TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI QARSHI FILIALI, 2021.

26. Қодиров, Ф. “СОЗДАНИЕ ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ И АППАРАТА ЭЛЕКТРОННОЙ БИБЛИОТЕЧНОЙ СИСТЕМЫ НА ОСНОВЕ QR-КОДОВОЙ ТЕХНОЛОГИИ”. Kokand University, 2020.

27. Кодиров, Ф. “АНАЛИЗ БИОСИГНАЛОВ В ЭЛЕКТРОКАРДИОГРАФИИ И МЕТОДЫ ИХ ОБРАБОТКИ”. МУХАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ, 2020.

28. Qodirov, F. “MASOFAVIY TA'LIMDA O'QISHNING QULAYLIK LARI VA KAMCHILIK LARI”. МУХАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ, 2020.

29. Қодиров, Ф. “ЗАМОНАВИЙ КОМПЬЮТЕР УЙИНЛАРИ ВА УЛАРИНИНГ СИМФЛАНИШИ”. МУХАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ, 2019.

30. Qodirov, F. “YOSHLAR MA'NAVIYATINI YUKSALTIRISHDA MILLIY ONLAYN KITOB DO'KONINI ISHLAB CHIQUISH VA TADBIQ ETISH”. МУХАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ, 2019.

31. Қодиров, Ф. “ЎУДУДУЛАРДА ТИББИЙ ХИЗМАТЛАРНИ ДАСТУРИЙ ПАКЕТЛАР ЁРДАМИДА ЭЛЕКТРОН ТИББИЙ БАЗАСИНИ ЯРАТИШ”. O'zbekiston Respublikasi Oliy Va o'rta Maxsus ta'lim Vazirligi Namangan Muhandislik-Qurilish Instituti, 2022.

32. Фаррух Қодиров. “АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДАН ОЛИНГАН ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАРНИ ИМИТАЦИОН МОДЕЛИ”. “МОЛИҲА ВОЗОРINI RIVOJLANTIRISHNING USTUVOR YO'NALISHLARI, ZAMONAVIY TENDENSIYALARI VA ISTIQBOLLARI” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi MATERIALLAR TO'PLAMI. 2022/11/5

33. Ф.Э Қодиров, АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДАН ОЛИНГАН ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАРНИ ИМИТАЦИОН МОДЕЛИ, TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI “O'ZBEKISTON IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHNING ILMIY, 922